

Сийрат дарслари (161-дарс) Дардни берган шифосини ҳам беради



19:00 / 26.11.2021 4524

589. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳар бир маст қилувчи хамрдир. Ҳар бир маст қилувчи ҳаромдир. Ким бу дунёда хамр ичиб, уни тарк қилмай ўлиб кетсаю, тавба қилмаса, охиратда уни ичмайди»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

(Бу ҳадисдаги «охиратда уни ичмайди» деган жумла қиёс учун гапирилган. Жаннатийларнинг ҳеч бир таоми бу дунёникига ўхшамайди. Хусусан, ичимликлари ҳам. Юқоридаги жумланинг маъносига кўра, бу дунёда хамр ичиб, уни тарк қилмай ва тавба ҳам қилмай ўтган одамлар жаннатга кирмайдилар. Валлоҳу аълам. – Тарж.)

590. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Ҳар бир дарднинг давоси бордир. Даво дардни топганда Аллоҳ азза ва жалланинг изни билан тузалади»**.

Муслим ривоят қилган.

591. Усома ибн Шарик розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келсам, у зотнинг саҳобалари худди бошларида қуш учиб юргандек ўтиришган экан. Салом бериб, ўтирдим. Уёқдан, буёқдан аъробийлар келишди ва: «Эй Аллоҳнинг Расули, даволанайликми?» дейишди. **«Даволанинглар, Аллоҳ қайси бир дардни берган бўлса, албатта, унинг давосини ҳам бергандир. Фақат биттаси - қарилик мустасно»**, дедилар».

Абу Довуд, Термизий, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

592. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Аллоҳ қайси бир дардни туширган бўлса, албатта, унинг шифосини ҳам туширгандир»**, дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам» китобидан